

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ялпи ҳудудий маҳсулот</b>	<b>1715,6</b>	<b>97,2</b>
Саноат маҳсулоти	1957,9	75,3
Истеъмол товарлари	1393,9	72,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	221,3	106,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	267,9	129,0
Қурилиш ишлари	323,0	112,1
Юк айланмаси млн. тн-км	377,5	101,3
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	871,9	107,4
Чакана товар айланмаси	1423,4	114,9
Хизматлар, жами	1110,8	115,7
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	251,7	55,2
Экспорт	54,2	83,2
Импорт	197,5	50,6
Сальдо (+;-)	-143,3	x

## Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 1715,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 97,2 фоизни ташкил қилди.


2016 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,3 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил	2016 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>1586,4</b>	<b>1715,6</b>	<b>97,2</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1534,3	1648,4	97,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	52,1	67,2	91,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>1534,3</b>	<b>1648,4</b>	<b>91,2</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	74,6	85,1	106,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	579,9	533,2	80,0
саноат	480,5	402,7	73,3
қурилиш	99,4	130,5	112,1
Хизматлар	879,8	1030,1	108,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	173,8	215,5	112,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	227,1	251,7	105,4
бошқа хизматлари	478,8	562,8	107,9

Январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2015 йил



2016 йил



Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (112,2%), қурилиш (112,1%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (106,2%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 47,4 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-мартга нисбатан 2,6 фоизли бандга ошди.

2016 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 62,5 фоиз (2015 йил январь-мартда 57,3 фоиз)ни ташкил қилди.

## Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 28587 тани ташкил қилиб, шундан 26659 таси ёки 93,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7868 та (27,5 фоизи), саноат 5532 (19,4 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1368 та (4,8 фоизи) ва қурилиш 2548 та (8,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>28587</b>	<b>100,0</b>	<b>26659</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2270	7,9	2095	7,9
саноат	5532	19,4	5070	19,0
қурилиш	2548	8,9	2389	9,0
савдо	7868	27,5	7161	26,9
ташиш ва сақлаш	886	3,1	838	3,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1368	4,8	1267	4,7
ахборот ва алоқа	734	2,6	692	2,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	792	2,8	775	2,9
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6589	23,0	6372	23,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 47,9 фоизи масъулияти чекланган жамиятлар, 41,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 9,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юримдик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-мартда жами 609 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 596 та). Уларнинг асосий қисми Андижон шаҳрида (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (30,4 фоизи), Асака (12,6 фоиз), Шахрихон (7,4 фоизи), Андижон (6,6 фоизи), Балиқчи(6,2 фоизи), Жалақудуқ (4,8 фоиз), Хўжаобод (4,3 фоизи), Избоскан (4,3 фоизи) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 26,3 фоизи савдо, 20,0 фоизи саноат ва 9,4 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 103 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 12 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 11,6 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 24385 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 47,4 фоизи (2015 йил январь-мартда 44,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1049,8 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 83,3 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 77,7 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 169,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1012,7 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 51,7 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 43,3 фоизни ташкил қилди;

- 221,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди.

- 153,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 57,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 26,0 фоизга ўсди;

- 307,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,1 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 12,0 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 15,8 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 89,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 112,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 82,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 80,3 фоизи ёки 1142,6 млрд. сўми (ўсиш 22,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 71,7 фоизи ёки 796,9 млрд. сўми (ўсиш 16,2 фоиз) шакллантирилди;

- 31,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 57,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 30,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 15,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2016 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	219,0	6,1
Саноат	1012,7	87,4
Қурилиш	213,1	66,0
Чакана савдо	1142,6	86,1
Юк ташиш, млн тн.	6,9	71,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	78,4	82,8
Экспорт, млн. АҚШ долл.	31,2	26,9
Импорт, млн. АҚШ долл.	30,3	22,3

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:





## Ташқи иқтисодий алоқалар


2016 йилнинг январь-мартида ташқи савдо айланмаси 251,7 млн. АҚШ долларини, жумладан 54,2 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 197,5 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси -143,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2016 йилнинг январь-мартида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	январь-март		2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 й.	2016 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>455,8</b>	<b>251,7</b>	<b>55,2</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	79,7	61,2	76,7
бошқа давлатлар	376,0	190,5	50,7
<b>Экспорт</b>	<b>65,1</b>	<b>54,2</b>	<b>83,2</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	49,4	36,2	73,3
бошқа давлатлар	15,7	17,9	114,3
<b>Импорт</b>	<b>390,6</b>	<b>197,5</b>	<b>50,6</b>
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	30,3	24,9	82,3
бошқа давлатлар	360,3	172,5	47,9

2016 йил январь-мартда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:





2016 йилнинг январь-мартида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>83,2</b>
пахта толаси	-	-	-
озиқ-овқат маҳсулотлари	-	18,4	473,6м
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,5	0,4	79,9
қора ва рангли металллар	2,3	0,7	25,2
машина ва ускуналар	46,5	21,7	38,8
хизматлар	10,2	12	98
бошқалар	40,5	46,8	95,8

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>50,6</b>
озик-овқат маҳсулотлари	0,3	0,6	80,8
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	8,9	8,1	45,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	1,2	0,4	18,2
қора ва рангли металллар	6,4	5,7	45,3
машина ва ускуналар	69,3	76,1	55,6
хизматлар	11,3	5	22,4
бошқалар	2,6	4,1	78,7

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Европа

■ Осиё

■ Африка


■ Америка

2016 йилнинг январь-мартида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2015 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия Федерацияси	7,9	38,6
Туркия	3,3	235,2
Қирғизстон	3,5	227,1
Хитой	10,8	76,8
Қозоғистон	8,5	145,7
А.Қ.Ш	0,1	0,5
Корея Республикаси	55,8	50,4
Чехия	0,4	16
Испания	0,7	135,9
Польша	0,2	43
Италия	1,2	95,8
Россия Федерацияси	7,9	38,6
Туркия	3,3	235,2
Қирғизстон	3,5	227,1
Хитой	10,8	76,8
Қозоғистон	8,5	145,7
А.Қ.Ш	0,1	0,5
Корея Республикаси	55,8	50,4
Чехия	0,4	16

2016 йил январь-мартда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

### Экспорт



### Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

## Саноат

2016 йил январь-мартда саноат маҳсулоти ҳажми 1957,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 75,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1393,9 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2015 йил январь-мартга нисбатан 72,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 477,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 916,0 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2015 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 130,2 фоиз ва 58,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида хўжалик субъектлари томонидан 2016 йилнинг январь-март ойларида 30,4 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2016 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>1957,9</b>	<b>75,3</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>19,1</b>	<b>102,5</b>
улардан:		
Нефть- газ қазиб олиш	19,1	102,5
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1938,8</b>	<b>75,1</b>
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	499,2	130,2
Пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	491,4	122,5
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	23,4	13,8
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,4	113,1

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	46,6	59,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	54,1	110,2
Металлургия саноати	1,5	112,3
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	774,2	48,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	41,6	119,8
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	4,4	108,8
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>1393,9</b>	<b>72,2</b>
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	477,9	130,2
ноозик-овқат товарлари	916,0	58,5


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш куйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2015 йил январь-март



2016 йил январь-март



- Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш

(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-март	2015 й январь-мартга нисбатан %
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>			
Нефть	минг.тн	21,4	97,9
Газ	млн.м3	2,32	88,2
<b>Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат</b>			
Енгил автомобиллар	минг.дона	15,4	32,3
Глушителлар	тонна	377,4	22,1
Автомобил учун ўриндиқлар	минг комплект	64,9	21,0




	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-март	2015 й январь-мартга нисбатан %
<b>Кимё саноати</b>			
Лак-бўёқ материаллар	тонна	1015,3	54,9
Бамперлар	минг дона	86,0	34,7
<b>Электротехника саноати</b>			
Паст кучланишдаги кабель (тонна)	тонна	2167,4	247,8
Зангламайдиган пўлатдан ясалган тўрлар	тонна	50	138,5
<b>Енгил саноат</b>			
Калава ип	тонна	2297	60,6
Пахта толаси	тонна	30553	103,9
Пахта момиғи	тонна	1820	112,3
Хўжалик совуни	тонна	1309	127,2
<b>Озиқ-овқат саноати</b>			
Ун	тонна	28791	90,1
Нон ва нон маҳсулотлари	тонна	144	134,3
Пахта ёғи	тонна	5111	102,6
Макарон маҳсулотлари	тонна	102	49
Ароқ	минг литр	825	136,8
Истеъмол спирти	минг литр	3724	100,1
Узум виноси	минг литр	264	110,5

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2016 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 221,3 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 106,3 фоизни, шу жумладан, Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 0,1 млрд. сўмни (108,9 фоиз), ўрмончилик хўжаликларидан 0,8 млрд. сўмни (100,0 фоиз), Балиқчилик хўжаликларидан 0,1 млрд. сўмни (100,1 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Ҳосил йиғими.** 2016 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3013 тонна сабзавот (108,2 фоизга кўп) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 103,2 фоизга (жами 983,2 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,6 фоизга (337,0 минг бош), қўй ва эчкилар 102,0 фоизга (1238,4 минг бош), отлар 98,9 фоизга (6422 бош), паррандалар 104,3 фоизга (6,3 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,6 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 94,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 60,9 фоизни ташкил этди.

2016 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли корамол</b>	<b>983,2</b>	<b>103,2</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	39,4	100,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	936,2	103,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,5	107,1
<b>улардан сигирлар</b>	<b>337,0</b>	<b>100,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	14,6	100,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	319,5	100,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,8	103,9
<b>Куй ва эчкилар</b>	<b>1238,4</b>	<b>102,0</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	49,6	101,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1183,4	102,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,4	108,0
<b>Отлар</b>	<b>6,4</b>	<b>98,9</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,9	92,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5,4	100,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга	0,1	100,0

	минг бош	ўсиш суръати, %
оширувчи ташкилотлар		
<b>Паррандалар</b>	<b>6279,0</b>	<b>104,3</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	556,0	131,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5100,0	102,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	623,0	101,3

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,0 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,8 ва 4,3 фоизни, қўй ва эчкилар 95,6 ва 4,0 фоизни, отлар 84,3 ва 14,1 фоизни, паррандалар 81,2 ва 8,9 фоизни ташкил этди.


2016 йилнинг январь-мартда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 35,5 минг тонна гўшт (2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 106,1 фоизга кўп), 87,8 минг тонна сут (106,1 фоизга кўп), 42,5 млн. дона тухум ишлаб чиқарилди.

2016 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>35,5</b>	<b>106,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,9	104,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	34,3	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	100,6

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>87,8</b>	<b>106,1</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	4,3	104,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	82,6	106,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,0	100,8
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>42,5</b>	<b>107,0</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	8,7	107,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	25,9	109,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,9	100,3
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:		

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2016 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 12,7 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 5,7 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 39,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14,6 минг бош сизир, 49,6 минг бош қўй ва эчкилар, 0,9 бош от, 556,0 минг бош паррандалар мавжуд.

2016 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари куйидагича ифодаланади:

	январь-март				2015 январь- мартга нисбатан фоиз хисобида
	2015 йил		2016 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	378	13,6	385	12,8	101,9
Гўшт, тирик вазнда	821	2,4	858	2,4	104,5
Сут	4086	4,9	4256	4,8	104,2
Тухум, минг дона	8123	20,5	8696	20,5	107,1

## Инвестициялар ва қурилиш

2016 йил январь-мартда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 267,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 129,0 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>267,9</b>	<b>129,0</b>	<b>100</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>46,0</b>	<b>130,6</b>	<b>17,2</b>
бюджет маблағлари	12,4	120,6	4,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	32,5	131,4	12,2
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1,1	502,7	0,4
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>221,9</b>	<b>128,6</b>	<b>82,8</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	71,9	168,1	26,9
аҳоли маблағлари	98,1	98,1	36,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	42,9	509,3	16,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	9,0	42,2	3,3

2016 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби куйида келтирилган:


	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>267,9</b>	<b>48,2</b>	<b>219,7</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	59,8	82,5	54,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	37,4	12,7	42,9
Бошқа ҳаражатлар	2,8	4,8	2,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2015 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 5,5 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 1,4 фоизли пунктга ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 4,1фоизли пунктга кўпайган.



Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессional, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш

## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2016 йил январь-мартда умумий майдони 122,1 минг кв.м. бўлган 1471 та (2015 йил январь-мартга нисбатан 132,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 87,6 минг кв.м. (127,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 161,1 млрд. сўми ёки 27,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 1,5 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 40,5 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 3,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,8 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 32,5 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 3,1 км узунликдаги ичимлик суви, 1,2 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2015 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 100,0 ва 109,1 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 15,5 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 5,9 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2016 йил январь-мартда 323,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,1 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 19,3 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 9,7 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 80,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 310,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,3 фоизни (2015 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 112,1 фоизни) ташкил қилди.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоли қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2015 йил январь-март



2015 йил январь-март



- Давлат мулки
- Фуқоролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

### Транспорт

**Юк ташиш.** 2015 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 7,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 377,5 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 101,3 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	7,9	104,8
шу жумладан:		
автомобил транспортида	7,9	104,8
Юк айланмаси, млн. тн-км	377,5	101,3
шу жумладан:		
автомобил транспортида	377,5	101,3

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йил январь-мартга нисбатан 106,3 фоизга кўпайди ва 328,3 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 87,0 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-мартда 82,9 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2016 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 89,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 107,4 фоизга кўпайиб, 871,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	89,0	103,0
шу жумладан, автомобил транспортида	89,0	103,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	871,9	107,4
шу жумладан, автомобил транспортида	871,9	107,4

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2015 йил январь-мартга нисбатан 107,6 фоизга кўпайди ва 644,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 73,9 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-мартда 73,8 фоиз).

## Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1423,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,9 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>1423,4</b>	<b>114,9</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки			
нодавлат мулки	1423,4	114,9	99,8
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1097,9	119,2	6,7

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2016 йил январь-мартда 88,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 75,5 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 191,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,5 фоизга ошган.

2016 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>1811,0</b>	<b>112,8</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	711,6	103,7	39,3
Якка тартибдаги тадбиркорлик	893,5	124,2	49,3
уюлмаган сектор(ташкил этилмаган савдофаолияти)	205,9	102,9	11,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 46,6 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-мартга нисбатан 100,9 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 11,4 фозга ошди ва 652,3 минг сўмни ташкил этди (2015 йил январь март ойиларида 530,9 минг сўмни ташкил этган).

2016 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 1110,8 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 322,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 29,1 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 115,7 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь-мартида куйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>1110,8</b>	<b>115,7</b>	<b>100,0</b>
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	81,0	111,7	7,3
молиявий хизматлар	126,8	129,2	11,4
транспорт хизмати	219,8	114,6	19,8
шу жумладан автотранспорт хизматлари	211,9	115,8	19,1
яшаш ва овқатланиш хизматлари	11,6	113,8	1,0
савдо хизматлари	393,5	117,3	35,4
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	39,0	112,3	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	56,1	103,6	5,1

	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	14,1	118,6	1,3
ижара ва прокат хизматлари	30,4	113,6	2,7
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	41,0	109,5	3,7
бошқа шахсий хизматлар	67,1	108,1	6,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	5,2	116,5	0,5
бошқа турдаги хизматлар	25,2	116,4	2,3

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,4 фоизи), транспорт (19,8 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (129,2 фоиз), транспорт хизматлари (114,6 фоиз), соғлиқни сақлаш (118,6 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларида (116,4 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2016 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:





## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2919,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 9,4 минг кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2015 й.	2016 й. <sup>1)</sup>	Ўсиш, камайиш (-)	2015 й.	2016 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	14251	13481	-770	20,2	18,6
Ўлганлар	4274	3662	-612	6,1	5,1
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	216	223	+7	12,8	13,0
Табиий ўсиш	9977	9819	-158	14,1	13,5
Никоҳлар	4485	3784	-859	6,4	5,2
Ажралишлар	710	751	41	1,0	1,0

**Туғилиш даражаси.** 2016 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 13481 кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (14251 киши) нисбатан 770 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,6 промиллени ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (20,2 промилле) нисбатан 1,6 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг нисбатан кўпроқ камайиши вилоятнинг Бўз (21,5 дан 16,6 промиллега), Мархамат (20,8 дан 18,0 промиллега), Шахрихон (21,5 дан 19,0 промиллега), Булокбоши (16,6 дан 14,2 промиллега), Олтинкўл (19,7 дан 17,4 промиллега) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2016 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 3662 кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (4274 киши) нисбатан 612 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,1 промиллени ташкил қилди (2015 йил январь-мартида – 6,1 промилле).

Ўлим кўрсаткичининг 2015 йил январь-март даврига нисбатан кўпайиши мазкур даврда ҳеч қайси туман ва шаҳарда кузатилмади, фақатгина Балиқчи туманида аввалги даврдаги кўрсаткич сақланиб қолди.

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 2591 та (70,7 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан: 126 та (3,5 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан: 170 та (4,6 фоизи), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 174 та (4,7 фоизи), ўсмалардан 197 та (5,4 фоизи) ва юқумли касалликлардан 43 та (1,2 фоизи) бошқа касалликлардан: 361 та (9,9 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 223 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 13,0 промиллени ташкил қилди (2015 йилнинг январь-мартида 12,8 промилле).


Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 118 та (52,9 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 51 та (22,9 фоизи), туғма аномалия ва ривожланишдаги нуқсонлардан 23 та (10,5 фоизи), қолган касалликлардан 31 та (13,7 фоизи) вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2016 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 3784 та никоҳлар ва 751 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,2 та никоҳ (2015 йилнинг тегишли даврида – 6,4 та) ва 1,0 та ажралишлар (2015 йилнинг тегишли даврида – 1,0 та) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1500 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 1938 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус -438 кишига (2015 йилнинг шу даврида - минус 316 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Андижон шаҳар (минус 253), Шахрихон (минус 82), Избоскан (минус 73) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:



**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йил январь-мартга нисбатан 1,1 фоизга кўпайиб, 1701,5 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 58,4 фоизини ташкил қилди.

2016 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 6101 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Жалақудуқ (734 кишига), Избоскан (620 кишига), Қўрғонтепа (618 кишига), Олтинкўл (530 кишига), Пахтаобод (477 кишига) туманлари ва Андижон шаҳрида (475 кишига) кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 5804 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Жалақудуқ (731 киши), Қўрғонтепа (611 киши), Олтинкўл (519 киши), Избоскан (587 киши), Шаҳрихон (293 киши) туманларида ва Андижон (466 киши) шаҳрида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 209 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

